

# ТАЛЬИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Холмўминова Севара Абдухолик қизи,**  
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти  
Олий хамширалик иши факултети талабаси  
Тел: +99899 887 61 31.  
e-mail: [xolmominovasevara@gmail.com](mailto:xolmominovasevara@gmail.com)

## **Аннотация.**

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг таълим бериш жараёнида қандай педагогик қобилияtlарга эга бўлиши лозимлиги ва бунинг аҳамияти ёритиб берилган.

## **Калит сўзлар:**

Қобилият, педагогик қобилияtlар, академик қобилият, инсоннинг ўз ўзини билиши.

## **Annotation.**

This article highlights the pedagogical skills that prospective teachers need to have in the teaching process and the importance of this.

## **Keywords:**

Ability, pedagogical abilities, academic ability, self-knowledge.

Қобилият-шахснинг маълум бир фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланаб, бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир. Қобилият иш фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг таълим бериш жараёнида қобилияtgaga айниқса, педагогик қобилияtgaga эга бўлиши алоҳида аҳамиятлиdir.

Педагогик қобилият – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган, имконият даражаларининг устунлигини ифодалайдиган ўқитувчининг шахсий-индивидуал хусусиятларидир. Педагогга қўйиладиган асосий талаб ҳам –бу унда айнан педагогик қобилияtlарнинг мавжуд бўлишидир.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўқитувчининг характер хислатлари, педагогик қобилияtlари, унда тарбиячилик маҳоратини таркиб топтириш шартлари чукур ўрганилган. Жумладан, рус олимаси Н.В.Кузьмина ўқитувчилик фаолиятида педагогик қобилияtlарнинг ўрни ва уларни таркиб топтиришга оид қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борган. У ўз тадқиқотларида педагогик қобилияtlарни: гностик (билишга оид), проектив (олдиндан режалаштиришга қаратилган), конструктив, ташкилий ва коммуникатив турларга ажратиб, уларнинг ҳар бирига чукур психологик тасниф берган. Н.В.Кузьмина педагогик қобилияtnинг муҳим аломатлари қаторида кузатувчанликни ҳам киритади, ўқитувчининг бу ҳислати ўқувчининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари каби омилларни аниqlашга катта хизмат қиласди.

Психолог олим Ф.Н.Гоноболин педагогик қобилияtlарни қўйидаги турларга ажратишни таклиф этган:

1. Дидактик қобилияtlар.
2. Академик қобилияtlар.
3. Перцептив қобилияtlар.
4. Нутқ қобилияtlари.
5. Ташкилотчилик қобилияti.

6. Авторитар қобилиятлар.
7. Коммуникатив қобилиятлар.
8. Педагогик хаёлот (ижод).
9. Диққатни тақсимлаш қобилияты.

Ф.Н.Гоноболин педагогик қобилиятларни таркиб топтириш босқичлари, хусусиятлари ва хоссалари түғрисида мұкаммал маълумотлар берган.

Олиб борилған илмий тадқиқотларга асосланиб, ўқитувчининг педагогик қобилиятларини күйидагиша классификация қилиш мүмкін.

1. Дидактик қобилият – мураккаб билимларни ўқувчиларга тушунтира олишdir. Бунда ўқитувчининг ўқув материалини, мавзу ёки муаммони талабаларга аниқ ва тушунарлы қилиб айтиб бериши, уларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиши уйғота олиши лозим. Ўқитувчи зарурат туғилған ҳолларда ўқув материалини ўзгартыриб соддалаштира олиши, қыйин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, тушунарсиз, ноаниқ нарсани тушунарлы қила олиши лозим.
2. Академик қобилият – барча фанлар юзасидан муайян билимларга эга бўлишлик қобилияти. Бундай қобилиятларга эга бўлған ўқитувчи ўз фанини ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги янгиликларни кузатиб боради.
3. Перцептив қобилият – ўқувчилар ҳолатини идрок қила олиши, бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички маънавий дунёсига кира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш, педагогик интуиция ва эмпатия билан боғлиқ бўлған психологик кузатувчанлиқdir. Бундай ўқитувчи кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчи руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фаҳмлаб олади.
4. Нутқ қобилияти – ихчам, маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлған нутқ; шунингдек, ўқитувчи нутқининг жарангдорлиги, унинг пауза, мантиқий урғуга риоя қилишидир. Қобилиятли ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилған бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралётган бўлса ҳам унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қаратилғанлиги билан ажralиб туради. Фикрлар ўқувчи учун аниқ, содда, тушунарли бўлади.
5. Ташкилотчилик қобилияти–гурӯх ёки жамоани уюштириш ва уни бошқариш истеъоди. Ташкилотчилик ўқувчиларни хилма-хил фаолият турига жалб қилиш учун асос ҳисобланади. Бу қобилият, биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, мухим вазифаларни ҳал этишга руҳлантириш бўлса, иккинчидан, ўз шахсий ишини тўғри уюштириш қобилиятидир.
6. Обрўга эга бўлишлик қобилияти– ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақл-фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириш қобилиятидир. Фанда бу қобилият тури–авторитар қобилият, деб ҳам юритилади.
7. Коммуникатив қобилиятлар – муомала ва мулоқот ўрната олиш, болаларга аралашиш қобилияти, ўқувчилар билан педагогик нұқтаи назардан самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигидир Коммуникатив қобилиятларнинг бир неча гурӯхлари фарқланади:  
Инсоннингнинг бошка бир инсонни билиши  
Инсоннинг ўз ўзини билиши  
Мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиши
8. Диагностик (психологик ва педагогик ташҳислай олиш) қобилияти –бу педагогнинг мухим қобилиятларидан бўлиб, ўқитиш жараёни самарадорлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Психологик ташҳис – таълим олувчиларнинг шахсий-индивидуал хусусиятлари, руҳий жараёнлари ва ҳолатларини тўғри аниқлай олиш, педагогик ташҳис – таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкониятлари ва даражасини аниқ, холис баҳолай олиш қобилиятидир.

9. Дикқатни тақсимлаш қобилияти –педагогнинг бир вақтнинг ўзида бир неча объектларга диққатини тақсимлай олиши ва ўз муносабатини билдириши. Ўқитувчи учун дикқатнинг барча хусусиятлари – ҳажми, барқарорлиги, кўчувчанлиги, тақсимланишининг тараққий этган бўлиши муҳимдир.
10. Конструктив қобилият–ўқув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти. Бу қобилият ўқувчи шахсининг ривожланишини лойиҳалашга, ўқув-тарбия мазмунини, шунингдек, ўқувчилар билан ишлаш методларини танлаб олишга имкон беради.
11. Гностик қобилият– тадқиқот ишларига лаёқатлилик бўлиб, ўз фаолияти жараёнини ва унинг натижаларини текшириш ҳамда ўрганиш натижаларига мувофиқ фаолиятни қайта қуриш қобилиятидир.
12. Сутгестив қобилият–талабаларга руҳий ва эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олиш маҳоратида кўринади.

Юқоридагилардан хulosа қилиш мумкинки, педагогик қобилиятлар педагог учун иш фаолиятида жуда зарур ва аҳамиятлидир. Кўриниб турибтики, ҳар бир педагогик қобилиятнинг ўзига хослиги мавжуд. Уларнинг педагог билиши ва ўзида шу қобилиятларни шакллантира олиши зарур. Нафакат иш фаолиятидаги педагог балки келажакда педагог бўлишни олдига мақсад қилиб кўйган ҳар бир талаба буни билиши керак. Педагогик қобилиятларни ўзида шакллантириш ва уни қўллаш туфайли болаларга таълим беришда юксак натижаларни кўлга киритиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Н.Н.Азизхўжаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма –Т. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006, 160 б.
2. Умаров Б.М., Шойимова Ш.С. Касбий психология. – Дарслик. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги – Т.: <LESSON PRESS>, 2018. – 278 бет.
3. Ё.Рахмонова Р.Солиҳоджаева. Педагогик маҳорат (Тиббиёт Олий ўқув юртларининг Олий маълумотли ҳамшира факултети талабалари учун дарслик).- Т.: <Янги аср авлоди>, 2011- 80 б.